

Хайдаров М.Т.,

иқтисод фанлари номзоди, доцент

БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТЛАРИ МОЛИЯ ЙИЛИ ЯКУНИДА БУХГАЛТЕРИЯ СУБСЧЁТЛАРИНИНГ ЁПИЛИШИГА ШАРҲЛАР

ХАЙДАРОВ М.Т. БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТЛАРИ МОЛИЯ ЙИЛИ ЯКУНИДА БУХГАЛТЕРИЯ СУБСЧЁТЛАРИНИНГ ЁПИЛИШИГА ШАРҲЛАР

Мазкур мақола бюджет ташкилотлари бухгалтерларига жорий йилни тўғри яқунлашлари мақсадида амалий ёрдам тариқасида тайёрланган. Бунда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2010 йил 17 декабрдаги 105-сонли буйруғи билан тасдиқланган ва Адлия вазирлигида 2010 йил 22 декабрда 2169-тартиб рақам билан рўйхатдан ўтказилган «Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Йўриқномага аниқ мисоллар ёрдамида шарҳлар келтирилган

Таянч иборалар: бюджет ташкилоти, бухгалтерия ҳисоби, проводка, жамғарма субсчётлар, операциялар, қолдиқ, суммалар, молиявий йил, бош китоб.

ХАЙДАРОВ М.Т. КОММЕНТАРИИ К БУХГАЛТЕРСКИМ ОПЕРАЦИЯМ ПО СУБСЧЕТАМ БЮДЖЕТНЫХ ОРГАНИЗАЦИЙ ЗАКРЫВАЕМЫХ В КОНЦЕ ФИНАНСОВОГО ГОДА

Настоящая статья подготовлена с целью оказания практической помощи бухгалтерам бюджетных организаций в целях содействия правильному закрытию субсчетов по текущим операциям в конце финансового года. При этом приводятся конкретные примеры к осуществлению операций, руководствуясь Инструкцией по бухгалтерскому учету в бюджетных организациях, зарегистрированной Министерством юстиции Республики Узбекистан 22 декабря 2010 г. регистрационным № 2169.

Ключевые слова: бюджетная организация, бухгалтерский учет, проводка, накопительные субсчета, операции, остатки, суммы, финансовый год, главная книга.

KHAYDAROV M.T. THE COMMENTS TO BOOKKEEPING OPERATIONS FOR BUDGET ORGANIZATIONS' CURRENT SUB-ACCOUNTS TO BE CLOSED ON THE FINANCIAL YEAR FINISH

The article is prepared with the purpose to extend a practical assistance to the accountants of budget organizations, to implement correct closing of current sub-accounts at the finish of budget year. So, there is provided concrete examples of implementation of «Budget organization accounting Instruction» registered by the Ministry of Justice of the Republic of Uzbekistan on December 22, 2010, №2169.

Keywords: budget organization, accounting, accumulating sub accounts, transactions, remains, sums, financial year, the mainbook.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2010 йил 17 декабрдаги 105-сонли буйруғи билан тасдиқланган ва Адлия вазирлигида 2010 йил 22 декабрда 2169-тартиб рақам билан рўйхатдан ўтказилган «Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Йўриқноманинг тегишли бандларига кўра ғазначилик ижросига ўтган барча бюджет ташкилотларида 231, 232, 241, 242, 251, 252, 261, 262, 271, 272 ва 273-субсчётлар, шунингдек ғазначилик ижросига ўтмаган бюджет ташкилотларида 100 ва 101 субсчётлар дастлаб 230, 240, 250, 260 ва 270 субсчётлар билан, кейинчалик мос равишда 280, 281, 282, 283, 284 ва 285-субсчётларнинг тегишлиси билан ёпилади. Якуний операциялар ўтказилгандан кейин 230, 231, 232, 240, 241, 242, 250, 251, 252, 260, 261, 262, 270, 271, 272 ва 273-субсчётларнинг ҳеч бирида қолдиқ қолмаслиги ва 2016 йил 1 январь ҳолатига (молия йилига қўшимча даврда амалга оширилган операциялар билан бирга) тузилган баланс ҳисоботида ҳам ушбу субсчётлар бўйича қолдиқ суммалар мавжуд бўлмаслиги лозим. Ушбу балансга эришиш жуда мурракаб бўлмаса-да, маълум тажриба талаб қилади.

Тажриба орттириш мақсадида муҳокама қилинаётган бухгалтерия операцияларини турли хил бюджет ташкилотлари мисолида кўриш ва уни тадрижий ёндашган ҳолда бюджет ташкилотлари бухгалтерлари ўз ташкилотларида қўллашлари яхши самара беради.

Буларни қуйидаги мисолларда кўрамиз.

1-мисол. Бюджет ташкилотининг «Бош журнал» китобининг 308-шаклида якуний операцияларни ўтказмасдан олдин (молия йилига қўшимча даврда амалга оширилган операциялар билан бирга) «Бюджетдан молиялаштириш» бўйича 232-субсчёт кредит қолдиғи 654,0 млн. сўм ва «Бюджет маблағлари бўйича ҳақиқий харажатлар» 231-субсчёт дебет қолдиғи 643,0 млн. сўмни ташкил қилган.

Ҳисобот йили охирида жорий молиявий натижани аниқлаш мақсадида 232-субсчёт кредит қолдиғи «Бюджет маблағлари бўйича жорий йилга молиявий натижа», яъни 230-субсчёт билан ёпилади ва бухгал-

терия ҳисобида қуйидаги проводка билан акс эттирилади:

Дебет 232-субсчёт ва Кредит 230-субсчёт 654.0 млн. сўм.

Шунингдек, ҳисобот йили охирида бюджет маблағлари бўйича ҳақиқий харажатлар 231-субсчёт дебет қолдиғи ҳам белгиланган тартибда ёпилади ва мазкур операция бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

Дебет 230-субсчёт ва Кредит 231-субсчёт 643.0 млн. сўм

231 ва 232-субсчёт қолдиқлари мос равишда 230-субсчёт билан ёпилгандан кейин қуйидагича ҳолат юзага келади:

230-субсчёт дебети	230-субсчёт кредити
	654.0 млн. сўм
643.0 млн. сўм	
Жами 643.0 млн. сўм	Жами 654.0 млн. сўм
	Жорий молиявий натижа (654.0-643.0)= 11.0 млн. сўм

Бухгалтерия ҳисобида амалга оширилган мазкур операциялар 16-мемориал ордерида алоҳида акс эттирилади ва шундан кейин Баланс ҳисоботида 1-илова «2016 йил 1 январь ҳолатига субсчётлар бўйича амалга оширилган якуний ёзувлар тўғрисида» маълумот шакли тўлдирилади.

Шундан кейин 230-субсчёт кредит қолдиғини «Бюджет маблағлари бўйича якуний молиявий натижа», яъни 280-субсчёт билан мос равишда ёпиш орқали якуний молиявий натижа аниқланади ва мазкур операциялар бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

Дебет 230-субсчёт ва Кредит 280-субсчёт 11.0 млн. сўм

Бу ҳолат мазкур мисолдаги бюджет ташкилоти молия йилини 11.0 млн. сўмлик ижобий якуний молиявий натижа билан якунлаганини билдиради.

«Харажатлар сметасининг ижроси ҳақида»ги 2-шакл ҳисоботи «Жами касса харажатлари» устуни бўйича «Харажатларнинг ҳаммаси» қаторига 232-субсчёт кредит қолдиғи 654.0 млн. сўм, «Жами ҳақиқий харажатлари» устуни бўйича «Харажатларнинг ҳаммаси» қаторига эса 231-субсчёт дебет қолдиғи 643.0 млн. сўм ёзиб қўйилади. Бундан ташқари, 232-субсчёт қолдиғи (643.0 млн. сўм) «Жорий йилнинг молиявий натижалари тўғрисида»ги ҳисоботнинг 010-қатори, 231-субсчёт қолдиғи (643.0 млн. сўм) мазкур ҳисоботнинг 090-қатори ва йил охирида якуний операциядан кейин 280-субсчёт қолдиғи (11.0 млн. сўм) ушбу ҳисоботнинг 161-қаторига ёзилади.

2-мисол. Мазкур операцияларни худди шу турдаги, якуний операциялардан олдин 308-шакл «Бош журнал» китобида (молия йилига қўшимча даврда амалга оширилган операциялар билан бирга) «Бюджетдан молиялаштириш» 232-субсчёт қолдиғи 700.0 млн. сўм ва «Бюджет маблағлари бўйича ҳақиқий харажатлар» 231-субсчёт қолдиғи 715.0 млн. сўмни ташкил қилган бошқа

бир бюджет ташкилоти мисолида кўриб чиқамиз.

Ҳисобот йили охирида жорий молиявий натижани аниқлаш мақсадида 232-субсчёт кредити қолдиғи «Бюджет маблағлари бўйича жорий йилга молиявий натижа» бўйича 230-субсчёт билан ёпилади ва бухгалтерия ҳисобида қуйидаги проводка билан акс эттирилади:

Дебет 232-субсчёт ва Кредит 230-субсчёт 700,0 млн. сўм.

Шунингдек, ҳисобот йили охирида бюджет маблағлари бўйича ҳақиқий харажатлар 231-субсчёт дебет қолдиғи ҳам белгиланган тартибда ёпилади ва мазкур операция бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

Дебет 230-субсчёт ва Кредит 231-субсчёт 715,0 млн. сўм

231 ва 232-субсчёт қолдиқлари мос равишда 230-субсчёт билан ёпилгандан кейин қуйидагича ҳолат юзага келади:

230-субсчёт дебети	230-субсчёт кредити
	700.0 млн. сўм
715.0 0 млн. сўм	
Жами 715.0 млн. сўм	Жами 700.0 млн. сўм
Жорий молиявий натижа (715.0-700.0)= 15.0 млн. сўм	

Бухгалтерия ҳисобида амалга оширилган мазкур операциялар 16-мемориал ордерида алоҳида акс эттирилади ва шундан кейин Баланс ҳисоботида 1-илова «2016 йил 1 январь ҳолатига субсчётлар бўйича амалга оширилган якуний ёзувлар тўғрисида» маълумот шакли тўлдирилади.

Шундан кейин 230-субсчёт кредит қолдиғи «Бюджет маблағлари бўйича якуний молиявий натижа», яъни 280-субсчёт билан мос равишда ёпиш орқали якуний молиявий натижа аниқланади ва мазкур операциялар бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

Дебет 280-субсчёт ва Кредит 230-субсчёт 15.0 млн. сўм

Бу ҳолат мазкур мисолдаги бюджет ташкилотининг молия йилини 15.0 млн. сўмлик салбий якуний молиявий натижа билан яқунлаганини билдиради.

«Харажатлар сметасининг ижроси ҳақида»ги 2-шакл ҳисоботи «Жами касса харажатлари» устуни бўйича «Харажатларнинг ҳаммаси» қаторига 232-субсчёт кредит қолдиғи 700.0 млн. сўм, «Жами ҳақиқий харажатлари» устуни бўйича «Харажатларнинг ҳаммаси» қаторига эса 231-субсчёт дебет қолдиғи 715.0 млн. сўм миқдори ёзиб қўйилади. Бундан ташқари, 232-субсчёт қолдиғи (700,0 млн. сўм) «Жорий йилнинг молиявий натижалари тўғрисида»ги ҳисоботининг 010-қаторига, 231-субсчёт қолдиғи (715,0 млн. сўм) мазкур ҳисоботнинг 090-қаторига ва йил охирида якуний операциядан кейин 280-субсчёт қолдиғи (-15,0 млн. сўм) ушбу ҳисоботнинг 161-қаторига ёзилади.

3-мисол. Мактабгача таълим муассасасининг 308-шакл «Бош журнал» китобида якуний операциялардан олдин (молия йилига қўшимча даврда амалга оширилган операциялар билан бирга) «Таълим муассасаларида ҳисобланган ота-оналарнинг маблағлари» 242-субсчёт қолдиғи 250.0 млн. сўмни ва «Тўловларнинг махсус турларига доир ҳисоб-китоблар бўйича маблағлар ҳисобига амалга оширилган ҳақиқий харажатлар» 241-субсчёт қолдиғи 254.0 млн. сўмни ташкил қилган.

Ҳисобот йили охирида жорий молиявий натижани аниқлаш мақсадида 242-субсчёт кредит қолдиғи «Тўловларнинг махсус турларига доир ҳисоб-китоблар бўйича жорий йилга молиявий натижалар» бўйича 240-субсчёт билан ёпилади ва бухгалтерия ҳисобида қуйидаги проводка билан акс эттирилади:

Дебет 242-субсчёт ва Кредит 240-субсчёт 250.0 0 млн. сўм.

Шунингдек, ҳисобот йили охирида ота-оналар бадаллари (тўловларнинг махсус турлари) бўйича йиғилган ҳақиқий харажатлар миқдори ҳам белгиланган тартибда ёпилади ва мазкур операция бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

Дебет 240-субсчёт ва Кредит 241-субсчёт 254.0 млн. сўм

241 ва 242-субсчёт қолдиқлари ҳам мос равишда 240-субсчёт билан ёпилгандан кейин қуйидаги ҳолат юзага келади:

240-субсчёт дебети	240-субсчёт кредити
	250.0 млн. сўм
254.0 млн. сўм	
Жами 254.0 млн. сўм	Жами 250.0 млн. сўм
Жорий молиявий натижа: (254.0-250.0)= 4.0 млн. сўм	

Бухгалтерия ҳисобида амалга оширилган мазкур операциялар 16-мемориал ордерда алоҳида акс эттирилади ва шундан кейин Баланс ҳисоботида 1-илова «2016 йил 1 январь ҳолатига субсчётлар бўйича амалга оширилган якуний ёзувлар тўғрисида» маълумот шакли тўлдирилади.

Кейинги босқичда 240-субсчёт кредит қолдиғи «Тўловларнинг махсус турларига доир ҳисоб-китоблар бўйича якуний молиявий натижа», яъни 281-субсчёт билан мос равишда ёпиш орқали якуний молиявий натижа аниқланади ва мазкур операциялар бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

Дебет 281-субсчёт ва Кредит 240-субсчёт 4.0 млн. сўм

Мазкур мисолдаги бюджет ташкилотининг молия йилини 4.0 млн. сўмлик салбий якуний молиявий натижа билан яқунлаганини билдиради.

«Бошқа бюджетдан ташқари маблағлар ҳаракати бўйича» ҳисоботи «Ҳисобот даврида тушган даромадлар (тушумлар) – жами» устунидаги тегишли қаторга (мазкур мисолда «Мактабгача таълим

муассасаларида болалар таъминоти учун ота-оналардан тушумлар (4-005-0-0)» қаторига) 242-субсчёт қолдиғи 250.0 млн. сўм ёзилади. «А. Касса харажатлари» ёйилмаси «А», «Б», «В», «Г» ва «3(4-005-0-0)» устунларига мос равишда «Тўловларнинг махсус турларига доир ҳисоб-китоблардан тушган маблағлар» бўйича 110-субсчётдан қилинган касса харажатлари ёзилади. «Б. Ҳақиқий харажатлари» ёйилмаси «А», «Б», «В», «Г» ва «1(4-005-0-0)» устунларига мос равишда 241-субсчёт қолдиғи (254.0 млн. сўм) ёзилади. Бундан ташқари, 242-субсчётнинг кредит қолдиғи (250.0 млн. сўм) «Жорий йилнинг молиявий натижалари тўғрисида»ги ҳисоботи 020-қаторига, 241-субсчётнинг дебет қолдиғи (254.0 млн. сўм) мазкур ҳисоботнинг 100-қаторига ва йил охирида якуний операциядан кейин 281-субсчёт қолдиғи (-4,0 млн. сўм) ушбу ҳисоботнинг 162-қаторига ёзилади.

4-мисол. Таълимнинг тўлов-контракт шаклига эга бўлган олий таълим муассасасининг 308-шакл «Бош-журнал» китобида якуний операциялардан олдин (молия йилига қўшимча даврда амалга оширилган операциялар билан бирга) «Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган тушумлар» бўйича 252-субсчёт кредит қолдиғи 980.0 млн. сўмни ва «Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган тушумлар ҳисобидан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар» 251-субсчёт дебет қолдиғи 890.0 млн. сўмни ташкил қилган. Ҳисобот йили охирида жорий молиявий натижани аниқлаш мақсадида 252-субсчёт қолдиғи «Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган тушумлар бўйича ҳисобот даврига жорий молиявий натижа» бўйича 250-субсчёт билан ёпилади ва бухгалтерия ҳисобида қуйидаги про-водка билан акс эттирилади:

Дебет 252-субсчёт ва Кредит 250-субсчёт 980,0 млн. сўм.

Шунингдек, ҳисобот йили охирида тўлов-контракт шаклидан тушган тушумлар ҳисобига амалга оширилган ҳақиқий харажатлар ҳам белгиланган тартибда ёпилади ва мазкур операция бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

Дебет 250-субсчёт ва Кредит 251-субсчёт 890.0 млн. сўм

251 ва 252-субсчёт қолдиқлари мос равишда 250-субсчёт билан ёпилгандан кейин қуйидаги ҳолат юзага келади:

250-субсчёт дебети	250-субсчёт кредити
	980.0 млн. сўм
890.0 млн. сўм	
Жами 890.0 млн. сўм	Жами 980.0 млн. сўм
	Жорий молиявий натижа: (980.0-890.0)= 90.0 млн. сўм

Бухгалтерия ҳисобида амалга оширилган мазкур операциялар 16-мемориал ордерда алоҳида акс эттирилади ва шундан кейин Баланс ҳисоботида 1-илова «2016 йил 1 январь ҳолатига субсчётлар бўйича амалга оширилган якуний ёзувлар тўғрисида» маълумот шакли тўлдирилади.

Кейинги босқичда 250-субсчёт қолдиғи «Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт маблағлари бўйича якуний молиявий натижа», яъни 282-субсчёт билан мос равишда ёпиш орқали якуний молиявий натижа аниқланади ва мазкур операциялар бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

Дебет 250-субсчёт ва Кредит 282-субсчёт 90.0 млн. сўм

Мазкур мисолдаги олий таълим муассасаси молия йилини 90.0 млн. сўмлик ижобий якуний молиявий натижа билан якунлаганини билдиради.

«Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган маблағлар ҳаракати тўғрисида»ги ҳисоботи «Сумма» устунни бўйича 2, 2а, 2б ва 2г қаторларнинг тегишлиси (мазкур мисолда 2 ва

2а қаторига)га 252-субсчёт қолдиғи 980.0 млн. сўм, харажатлар ёйилмасининг «А», «1», «2», «3» ва «4» устунларига мос равишда 111-субсчётдан, яъни «Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган тушумлар» ҳисобига амалга оширилган касса харажатлари ёзилади, «А», «1», «2», «3» ва «5» устунларида эса амалга оширилган ҳақиқий харажатлар, яъни 251-субсчёт дебет қолдиғи (890.0 млн. сўм) ёзилади. Бундан ташқари, 252-субсчётнинг кредит қолдиғи (980.0 млн. сўм) «Жорий йилнинг молиявий натижалари тўғрисида»ги ҳисоботида 030-031-қаторларда, 251-субсчётнинг дебет қолдиғи (890.0 млн. сўм) мазкур ҳисоботнинг 110-қаторида ва йил охирида якуний операциядан кейин 282-субсчёт қолдиғи (90.0 млн. сўм) ушбу ҳисоботнинг 163-қаторига ёзилади.

5-мисол. Ўз ихтиёрида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги 414-сон қарорига мувофиқ шакллантирилган бюджетдан ташқари маблағларга эга бўлган тиббиёт муассасаси 308-шакл «Бош журнал» китобида якуний операциялардан олдин (молия йилига қўшимча даврда амалга оширилган операциялар билан бирга) «Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағлари бўйича даромадлар» бўйича 262-субсчёт қолдиғи 650.0 млн. сўмни ва «Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилган харажатлар ҳақиқий харажатлар» бўйича 261-субсчёт қолдиғи 620.0 млн. сўмни ташкил қилган. Шунингдек, мазкур тиббиёт муассасаси бюджет маблағлари бўйича шахсий ҳисоб рақамидан муассасанинг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармасига дебет 112-субсчёт ва кредит 232-субсчёт проводкаси орқали 10.0 млн. сўм ўтказилган ҳамда ушбу маблағлар ҳисобига жами 10.0 млн. сўмлик ҳақиқий харажатлар амалга оширилган. Ҳисобот йили охирида жорий молиявий натижани аниқлаш мақсадида 262-субсчёт кредит қолдиғи «Тиббиёт муассасаларини моддий рағбатлантириш ва ривожланти-

риш жамғармаси бўйича жорий йилга молиявий натижа» бўйича 260-субсчёт билан ёпилади ва бухгалтерия ҳисобида қуйидаги проводка билан акс эттирилади:

Дебет 262-субсчёт ва Кредит 260-субсчёт 650.0 млн. сўм.

Шунингдек, ҳисобот йили охирида тиббиёт муассасаларини моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобига амалга оширилган ҳақиқий харажатлар ҳам белгиланган тартибда ёпилади, бу ерда дастлаб бюджет маблағлари (йил мобайнида жамғармага ўтказилган) ҳисобига амалга оширилган ҳақиқий харажатлар, бизнинг мисолимизда 230-субсчёт дебет қолдиғига «Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар» бўйича 261-субсчёт кредит қолдиғи (мазкур мисолда 10.0 млн. сўмдан 10.0 млн. сўмлик ҳақиқий харажат қилинган) ёпилади ва мазкур операция бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

Дебет 230-субсчёт ва Кредит 261-субсчёт 10.0 млн. сўм

Шундан кейин бюджет ташкилотининг 261-жамғарма субсчётида қолган ҳақиқий амалга оширилган харажатлар маблағи 260-субсчётнинг дебетида ўтказилади ва мазкур операциялар бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

Дебет 260-субсчёт ва Кредит 261-субсчёт (620.0 – 10.0)=610.0 млн. сўм

Дастлаб 262 ва 261-субсчёт қолдиқлари мос равишда 260-субсчёт билан ёпилгандан кейин қуйидагича вазият юзага келади:

260-субсчёт дебети	260-субсчёт кредити
	650.0 млн. сўм
610.0 млн. сўм	
Жами 610.0 млн. сўм	Жами 650.0 млн. сўм
	Жорий молиявий натижа: (650.0-610.0)= 40.0 млн. сўм

261-жамғарма субсчёти ёпилиши натижасида 230-субсчётдаги ҳолат қуйидагича тасвирланади:

230-субсчёт дебети	230-субсчёт кредити
10.0 млн. сум	10.0 млн. сум
Жами 10.0 млн. сум	Жами 10.0 млн. сум
X	

Мазкур бухгалтерия операциялари бухгалтерия ҳисобида алоҳида 16-сонли мемориал ордер орқали акс этилади. Шундан кейин «2016 йил 1 январь ҳолатига субсчётлар бўйича якуний ёзувлар қайд этиш маълумотномаси» тўлдирилади ва 1-сонли шакл бўйича балансга илова қилинади.

Кейинги босқичда 260-субсчётни амалга оширамиз ва якуний молиявий натижани, 260-ҳисобда қайд этилган маблағни 283 «Бюджет ташкилотининг ривожланиш жамғармасининг якуний молиявий натижаси» субсчётига кўчириш орқали аниқлик киритамиз. Бухгалтерия ҳисобида бу ҳол қуйидаги операция орқали амалга оширилади:

260-субсчётнинг дебети ва 283-субсчётнинг кредити 40.0 млн. сўм

ва бу молия йилини ижобий натижа билан яқунлайди.

«Тиббиёт муассасаларини моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси бўйича пул маблағлари ҳаракати тўғрисида»ги ҳисоботи «Сумма» устунини бўйича 2, 2а, 2б, 2в, 2г ва 2д қаторларнинг тегишлисига (мазкур мисолда 2, 2б ва 2г қаторига) 262-субсчётнинг кредит қолдиғи 650.0 млн. сўм, харажатлар ёйилмасининг «А», «1», «2», «3» ва «4» устунларига мос равишда 112-субсчётдан, яъни «Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағлари» ҳисобига амалга оширилган касса харажатлари ёзилади, «А», «1», «2», «3» ва «5» устунларда эса амалга оширил-

ган ҳақиқий харажатлар, яъни 261-субсчёт дебет қолдиғи (620.0 млн. сўм) ёзилади. Бундан ташқари, 262-субсчётнинг кредит қолдиғи (650.0 млн. сўм) «Жорий йилнинг молиявий натижалари тўғрисида»ги ҳисоботида 050-051-қаторларда, 261-жамғарма субсчёт дебет қолдиғи (620.0 млн. сўм) мазкур ҳисоботнинг 130-қаторида ва йил охирида якуний операциядан кейинги 283-субсчёт қолдиғи (40.0 млн. сўм) ушбу ҳисоботнинг 165-қаторига ёзилади

6-мисол. Давлат божхона қўмитаси тизимига тегишли бюджет ташкилоти, жорий йил мобайнида ўрнатилган тартибда давлат божлари, йиғимлари, турли солиқсиз тўловлар, маъмурий жарималар ва молиявий санкциялар (Бюджет кодексининг 62-моддасига кўра) ва шунингдек кераксиз мол-мулкни сотишдан ҳамда инвентаризация натижасида ортиқча чиққан мол-мулк бўйича бюджетдан ташқари даромадга эга бўлган (молия йилига қўшимча даврда амалга оширилган операциялар билан бирга) муассасасининг «Бош журнал» китобида 308-шакл якуний операциялардан «Бошқа бюджетдан ташқари даромадлар» бўйича жамғарма 272-субсчёт қолдиғи 30.0 млн. сўм, «Инвентаризация натижасида ортиқча чиққан мол-мулклар» бўйича 273-субсчёт қолдиғи 2,0 млн сўм ва «Бошқа даромадлар бўйича ҳақиқий харажатлар» 271-жамғарма субсчёт қолдиғи 27,0 млн. сўмни ташкил қилган. Ҳисобот йили охирида жорий молиявий натижани аниқлаш мақсадида 272-субсчёт кредит қолдиғи «Бошқа даромадлар бўйича ҳисобот даврига жорий молиявий натижа» бўйича 270-субсчёт билан ёпилади ва бухгалтерия ҳисобида қуйидаги проводка билан акс этирилади:

Дебет 272-субсчёт ва Кредит 270-субсчёт 30.0 млн. сўм

Худди шу тартибда 273-субсчёт кредит қолдиғи ҳам 270-субсчёт билан ёпилади ва бухгалтерия ҳисобида қуйидаги проводка билан акс эттирилади:

Дебет 273-субсчёт ва Кредит 270-субсчёт 2.0 млн. сўм.

Шунингдек, ҳисобот йили охирида бошқа бюджетдан ташқари даромадлар ҳисобидан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар ҳам белгиланган тартибда ёпилади ва мазкур операция бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

Дебет 270-субсчёт ва Кредит 271-субсчёт 27.0 млн. сўм

272, 273 ва 271-субсчёт қолдиқлари ёпилиши натижасида 270-субсчётдаги суммалар қуйидагича ҳолатни юзага келтиради:

270-субсчёт дебети	270-субсчёт кредити
	32.0 млн. сўм
27.0 млн. сўм	
Жами 27.0 млн. сўм	Жами 32.0 млн. сўм
	Жорий молиявий натижа: (32.0-27.0)= 5.0 млн. сўм

Бухгалтерия ҳисобида амалга оширилган мазкур операциялар 16-мемориал ордерда алоҳида акс эттирилади ва шундан кейин Баланс ҳисоботида 1-илова – «2016 йил 1 январь ҳолатига субсчётлар бўйича амалга оширилган якуний ёзувлар тўғрисида» маълумот шакли тўлдирилади.

Кейинги босқичда 270-субсчёт кредит қолдиғи «Бошқа даромадлар бўйича якуний молиявий натижа», яъни 284-субсчёт билан мос равишда ёпиш орқали якуний молиявий натижа аниқланади ва мазкур операциялар бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

Дебет 270-субсчёт ва Кредит 284-субсчёт 5.0 млн. сўм,

яъни мазкур божхона муассасаси молия йилини 5.0 млн. сўмлик ижобий якуний мо-

лиявий натижа билан якунлаганини билдиради.

«Бошқа бюджетдан ташқари маблағлар ҳаракати бўйича» ҳисоботининг «Ҳисобот даврида тушган даромадлар (тушумлар) – жами» устундаги тегишли қаторга (мазкур мисолда «Бюджет ташкилотларининг бошқа бюджетдан ташқари маблағлар (4-999-0-0)» қаторига) 272, 273-субсчётлар жами қолдиқлари 32.0 млн. сўм, «А. Касса харажатлари» ёйилмаси «А», «Б», «В», «Г» ва «12(4-999-0-0)» устунларига мос равишда «Бошқа бюджетдан ташқари маблағлар» бўйича 113-субсчётдан қилинган касса харажатлари ёзилади. «Б. Ҳақиқий харажатлари» ёйилмаси «А», «Б», «В», «Г» ва «8(4-999-0-0)» устунларига мос равишда 271-субсчёт дебет қолдиғи (27.0 млн. сўм) ёзилади.

Бундан ташқари, 272, 273-субсчётлар кредит қолдиқлари (32.0 млн. сўм) «Жорий йилнинг молиявий натижалари тўғрисида»ги ҳисоботи 060, 061 ва 062-қаторларига, 271-субсчёт дебет қолдиғи (27.0 млн. сўм) мазкур ҳисоботнинг 140-қаторига ва йил охирида якуний операциядан кейин 284-субсчёт қолдиғи (22.0 млн. сўм) ушбу ҳисоботнинг 166-қаторига ёзилади.

2016 йил 1 январь ҳолатига «Жорий йилнинг молиявий натижалари тўғрисида»ги ҳисоботда, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги 414-сонли қарорига мувофиқ бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари даромадлари бўйича бюджетга ва бюджетдан ташқари жамғармаларга ҳисобланган солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича берилган имтиёз суммалари ҳам акс эттирилади.

Шартли равишда келтирилган юқоридаги мисолларда амалга оширилган операциялар қуйидаги илова қилинган ҳисоботларда акс эттирилган.

**Жорий йилнинг молиявий натижалари тўғрисида
ҲИСОБОТ***
2016 йил 1 январь ҳолатига

Ташкилот Шартли бюджет ташкилотлари

Ҳисобот даври: йиллик

Бюджет тури _____

Ўлчов бирлиги минг сўмда

Кўрсаткичлар	Қатор коди	Сумма
1. Даромадлар (тушумлар)		
1.1. Бюджетдан молиялаштириш	0 10	654.0
1.2. Тўловларнинг махсус турларига доир ҳисоб-китоблар бўйича маблағлар	0 20	250.0
1.3. Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушадиган маблағлар бўйича даромадлар (031 + 032 + 033)	0 30	980.0
шундан:		
а) тўлов-контракт маблағлари	0 31	980.0
б) депозитга қўйилган маблағлар бўйича даромадлар	0 32	
в) бошқа тушумлар	0 33	
1.4. Бюджет ташкилотларини ривожлантириш жамғармаси даромадлари (041 + 042 + 043)	0 40	
шундан:		
а) товар (иш, хизмат) реализациясидан	0 41	
б) фойдаланилмаётган давлатнинг мол-мулкларини ижарага беришдан	0 42	
в) ҳомийлик ёрдамларидан	0 43	
1.5. Тиббиёт муассасаларини моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси даромадлари (051 + 052 + 053)	0 50	650.0
а) пуллик даволаш ва хизматлар кўрсатишдан	0 51	650.0
б) ҳомий ва донор ташкилотлардан	0 52	
в) фойдаланилмаётган давлатнинг мол-мулкларини ижарага беришдан	0 53	
1.6. Бошқа даромадлар (061 + 062)	0 60	32.0
шундан:		
а) инвентаризация натижасида ортиқча чиққан мол-мулклар	0 61	2.0
б) бошқа бюджетдан ташқари даромадлар	0 62	30.0
1.7. Солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлар (071 + 072)	0 70	
шундан:		
а) таълим муассасаларидаги тўлов-контракт маблағлари бўйича	0 71	
б) бюджет ташкилотларини ривожлантириш жамғармаси даромадлари бўйича	0 72	
Даромадлар (тушумлар) жами (010 + 020 + 030 + 040 + 050 + 060 + 070)	0 80	2566.0
* Агарда бюджет ташкилотлари томонидан ҳисобот даврида товар (иш, хизмат)лар реализациясидан (пуллик даволаш ва хизматлар кўрсатишдан) даромад олинган бўлса, у ҳолда ушбу ҳисоботга белгиланган тартибда тузилган Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот (2-шакл) илова қилинади.		

Кўрсаткичлар	Қатор коди	Сумма
2. Харажатлар		
2.1. Бюджет маблағлари бўйича харажатлар	0 90	643.0
2.2. Тўловларнинг махсус турларига доир ҳисоб-китоблар бўйича маблағлар ҳисобига амалга оширилган харажатлар	100	254.0
2.3. Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган тушумлар ҳисобидан амалга оширилган харажатлар	110	890.0
2.4. Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилган харажатлар	120	
2.5. Тиббиёт муассасаларини моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан амалга оширилган харажатлар	130	620.0
2.6. Бошқа даромадлар бўйича харажатлар	140	10.0
Харажатлар жами (090+100+110+120+130+140)	150	2417.0
3. Молиявий натижа		
Жорий йилга молиявий натижа (161 + 162 + 163 + 164 + 165 + 166 + 167)	160	149.0
шундан:		
а) бюджет маблағлари бўйича жорий йилга молиявий натижа (010-090)	161	11.0
б) тўловларнинг махсус турларига доир ҳисоб-китоблар бўйича жорий йилга молиявий натижа (020-100)	162	- 4.0
в) таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт маблағлари бўйича жорий йилга молиявий натижа (030-110)	163	90.0
г) бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағлари бўйича жорий йилга молиявий натижа (040-120)	164	-
д) тиббиёт муассасаларини моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси бўйича жорий йилга молиявий натижа (050-130)	165	30.0
е) бошқа даромадлар бўйича жорий йилга молиявий натижа (060-140)	166	22.0
ж) бюджетга ва бюджетдан ташқари жамғармаларга ҳисобланган солиқ ва бошқа тўловлар бўйича имтиёзлар (070)	167	

Баланс (1-шакл)га илова
2016 йилнинг 1 январь ҳолатига субсчётлар бўйича
амалга оширилган якуний ёзувлар тўғрисида
МАЪЛУМОТ

Суб-счётлар	2016 йил 1 январь ҳолатига қолдиқ (якуний ёзувларга қадар)		Субсчётлар бўйича якуний ёзувлар									
			230-субсчёт		240-субсчёт		250-субсчёт		260-субсчёт		270-субсчёт	
	Д-Т	К-Т	Д-Т	К-Т	Д-Т	К-Т	Д-Т	К-Т	Д-Т	К-Т	Д-Т	К-Т
231	643.0	х	643.0									
232	Х	654.0		654.0								
241	254.0	Х			254.0							
242	Х	250.0				250.0						
251	890.0	Х					890.0					
252	Х	980.0						980.0				
261	620.0	Х	10.0						610.0			
262	Х	650.0								650.0		
271	27.0	Х									27.0	
272	Х	30.0										30.0
273	Х	2.0										2.0
Жами	2434.0	2566.0	653.0	654.0	254.0	250.0	890.0	980.0	610.0	650.0	27.0	32.0
Қолдиқ		132.0		1.0	4.0			90.0		40.0		5.0

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 30 августдаги «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги 279-И-сонли қонуни.
2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2010 йил 17 декабрдаги 105-сонли буйруғи билан тасдиқланган ва Адлия вазирлигида 2010 йил 22 декабрда 2169-тартиб рақам билан рўйхатдан ўтказилган «Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Йўриқнома.
3. «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2011 йил 27 августдаги 57-сонли буйруғи билан тасдиқланган, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2270-тартиб рақам билан 2011 йил 27 сентябрда рўйхатдан ўтказилган «Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан маблағ билан таъминладиган ташкилотларнинг даврий молиявий ҳисоботларини тузиш, тасдиқлаш ҳамда тақдим қилиш бўйича» қоидалар.
4. Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2002 йил 29 октябрдаги 4-, 129-, 2002-86-сонли қарорлари билан тасдиқланган (Адлия вазирлигида 2002 йил 4 декабрда 1192-рақам билан рўйхатдан ўтказилган) «1 январь ҳолати бўйича асосий фондларни ҳар йиллик қайта баҳолашни ўтказиш тартиби тўғрисида»ги Низом.
5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг 2013 йил 29 ноябрдаги 68-, 38-, 4-сонли қарорлари билан тасдиқланган (Адлия вазирлиги томонидан 2013 йил 19 декабрда 2538-рақам билан рўйхатдан ўтказилган) «Бюджет ташкилотларининг асосий во-ситаларининг эскиришини аниқлаш ва бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартиби тўғрисида»ги Низом.